

2/2023,
mart-aprel
(№ 00064)



TRANSPORT-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рихсибоев Нозимбек Абдурасул ўғли

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети тадқиқотчиси. Тошкент,
Ўзбекистон. n.rikhsibayev@tsue.uz*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i10

Аннотация

Мазкур мақолада транспорт-логистика тизимини самарадорлигини белгилаб берувчи асосий йўналишлар, транспорт мажмуаси, транспорт-логистика тизими ва логистика инфратузилмаси тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда транспорт турини танлашда таъсир этувчи асосий омиллар кесимида турли хил транспорт турларининг баҳоси келтирилган, юкларни етказиб бериш харажатларини оптималлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган, транспорт-логистика тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича ёндашувлар ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: транспорт-логистика тизими, темир йўл транспорти, транспорт-логистика тизимининг декомпазицияси, логистик ташув ёндашувлари, юкларни етказиб бериш, вазифалар ирархияси, транспорт комплекси, логистика инфратузилмаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ОЦЕНКИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТРАНСПОРТНО-ЛОГИСТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

Рихсибоев Нозимбек Абдурасул угли

*Исследователь Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент,
Узбекистан.*

Аннотация

В данной статье рассмотрены основные направления, определяющие эффективность транспортно-логистической системы, взаимообусловленность понятий транспортный комплекс, транспортно-логистическая система и логистическая инфраструктура, а также основные факторы, влияющие на выбор типа транспорта представлена оценка различных видов транспорта, выделены особенности оптимизации затрат на доставку грузов, показаны подходы к оценке эффективности транспортно-логистической системы и направления повышения ее эффективности.

Ключевые слова: транспортно-логистическая система, железнодорожный транспорт, декомпозиция транспортно-логистической системы, логистические транспортные подходы, доставка грузов, иерархия задач, транспортный комплекс, логистическая инфраструктура.

IMPROVING THE METHODOLOGY FOR ASSESSING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF THE TRANSPORT AND LOGISTICS SYSTEM

Rikhsiboev Nozimbek Abdurasul ugli

Researcher at Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

<http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>

Abstract

In this article, the main directions that determine the efficiency of the transport-logistics system, the interdependence of the concepts of the transport complex, the transport-logistics system and the logistics infrastructure, as well as the main factors affecting the choice of the type of transport, the assessment of various types of transport is presented, the specific features of optimizing the costs of cargo delivery are highlighted, the approaches to evaluating the efficiency of the transport-logistics system and directions for improving its efficiency are shown.

Key words: transport-logistics system, railway transport, decomposition of the transport-logistics system, logistic transport approaches, cargo delivery, hierarchy of tasks, transport complex, logistics infrastructure.

Кириш

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ҳамда вертикал интеграция жараёнларининг авж олишида транспорт-логистика фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,3 трлн. АҚШ доллари (6,9%)ни ташкил этиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилмоқда, транспорт комплексида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этмоқда[1]. Мазкур соҳаларни ривожлантириш жаҳон транспорт ва логистика тизими (The global transport and logistic system) томонидан амалга оширилади. Транспорт соҳасида замонавий логистика провайдерларидан фойдаланиш моддий захиралар ҳажмини 30% дан 60% гача тежаш, шунингдек, транспорт хизматларидан фойдаланувчи саноат корхоналарининг транспорт харажатларини тахминан 25-30 фоизга камайтирилишига эришиш имконини беради[2].

Жаҳонда транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт-логистика фаолиятини янада самарали ривожлантириш масалаларига тизимли ёндашиш, замонавий логистика провайдерларини қўллаш асосида юкларни тезкор етказиб бериш, логистиканинг замонавий усулларида фойдаланган ҳолда транспорт-логистика тизими самарадорлигини оширишни таъминлайдиган иқтисодий ёндашувларни шакллантириш ҳамда транспорт-логистика тизими фаолияти самарадорлигини ошириш шулар жумласидан ҳисобланади. Шу боисдан, транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришни янада ривожлантириш асосий илмий тенденциялардан ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида транспорт тармоғини юқори даражада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ҳам «транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш, транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш» каби устувор вазифалар белгиланган[3]. Бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, улурнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур” [4] деб таъкидладилар. Бу ўз навбатида мамлакат

транспорт-логистика салоҳиятидан ва замонавий етказиб бериш технологияларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Транспорт-логистика тизимини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари бир қатор маҳҳалий ва хорижлик олимларининг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Инглиз иқтисодчиси Энтони Венаблснинг фикрига кўра транспорт комплекси бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юклар ва йўловчиларни ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришга ихтисослашган халқ хўжалиги тармоқлари йиғиндиси тушунилади [5].

Д. Бауэрсокснинг фикрича, анъанавий усулларга нисбатан юк ташувларини ташкил этишнинг афзаллиги ва иқтисодий самарадорлиги масалаларини киритган ҳолда мультимодал ва интермодал юк ташувларини ташкил этиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратган. Шу билан бирга муаллиф, транспорт тармоқлари, транспорт воситалари ва транспорт компаниялари ўз ичига олган транспорт тизимини алоҳида қайд этади [6].

Мамлакатимиз олимларидан Ғ.Самадов, А.Зоҳидов, А.Ғуламов ва М.Равшановларнинг фикрича “транспорт тизими – бу юк ва йўловчиларни ўз манзилига етказиш жараёнида ўзаро алоқаси бўлган транспорт турари ва инфратузилмалари мажмуаси, яъни ўзаро боғлиқ бўлган транспорт секторлари, меҳнат ресурслари ҳамда мамлакат иқтисодиётини самарали бошариш мақсадида транспортнинг барча турларини бошқарув тизими тушунилади” [7].

А.Б.Максимов ўзининг илмий ишларида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий функцияларини кўрсатиб беради:

- мамлакат иқтисодиётини транспорт йўллари билан таъминлаш;
- иқтисодиёт субъектларининг транспорт объектларига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- мамлакат транспорт тармоғини шакллантириш;
- турли транспорт турлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини юксалтириш [8].

Тадқиқот методологияси

Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларини таҳлил этиш билан шуғулланган миллий ва хорижлик олимларнинг илмий изланишлари натижалари мазкур тадқиқотнинг назарий-услубий базаси сифатида хизмат қилди. Мақолани тайёрлашда абстракт ва аналитик мушоҳада, қиёсий ва омилли таҳлил, индикатив, танланма кузатув, таққослаш, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Темир йўл тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий тизимни қайта тузиш жараёни ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазиятда рўй берган ўзгаришлар бошқарув устуворликлари ва усулларини тубдан ўзгартириб юборди. Шунинг учун транспорт-логистика фаолияти самарадорлик ҳолатининг тизимли таҳлилини ўтказиш, ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларнинг жамият манфаатлари доирасидаги ривожлантириш воситаларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда тизимли тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий логистика борасидаги энг истиқболли ва тез суръатларда ривожланаётган йўналиш транспорт логистикаси ҳисобланади. Унинг муҳим аҳамияти шундаки, моддий оқимнинг ҳаракатланишини транспорт-ташиш воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг жуғрофий жойлашган ўрни унинг транзит мамлакат сифатида фаолият юритишини аниқлаштириб беради. Ушбу омил миллий транспорт-логистика тизимини давлатнинг умумиқтисодий сиёсатида устувор йўналиш сифатида шакллантириш вазифасини назарда тутди ва бу ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувини таъминлаш имкониятини беради.

Логистик тизимнинг бошқарув самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд усулларнинг таҳлили транспорт-логистика тизимини баҳолаш борасидаги камчилик ва нозик жиҳатларни аниқлаш имконини беради. Ҳар бир услуб транспорт-логистика тизимини баҳолашнинг тўлақонли суратини очиб бера олмайди. Таъкидлаш ўринлики, аксарият ҳолларда логистик оператор корхоналарининг бошқарув самарадорлигини оширишга бугунги кунда етарлича эътибор берилмаяпти. Шу сабабдан миллий иқтисодиётда транспорт-логистика тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолаш методикасини ва транспорт-логистика тизимини бошқариш механизминини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, транспорт-логистика тизими тўғрисида фикр юритганда, дастлаб “транспорт тизими”, “транспорт-логистика тизими”, “логистика инфратузилмаси” ҳамда “интеграциялашган транспорт-логистика тизими” каби тушунчаларга ойдинлик киритилишини тақозо этади.

Транспорт тизими деганда одатда ўзаро ҳамкорликда ҳаракатланувчи, ташишни амалга оширишга боғлиқ бўлган ҳар хил транспортнинг турлари назарда тутилади. Шунга кўра, транспорт тизими деганда транспорт инфратузилмаси, транспорт корхоналари, транспорт воситалари ва уларнинг умумий бошқарув йиғиндиси тушунилади [9].


Бугунги кунда йирикроқ тизимнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлувчи транспорт масаласига янгича ёндашув, ташиш жараёнидаги барча жабҳаларни: юкни юборувчидан юкни қабул қилувчигача, юкни қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш, жойлаштириш ва етказиб беришдаги ахборот оқимини қамраб олган ҳолда кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топмоқда. Бу эса транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш ҳамда транспорт-логистика тизимининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқишни тақозо этади. Ташишни амалга ошириш билан боғлиқ ва унга ҳамкорлик қилувчи транспортнинг ҳар хил турларини комплекс тадқиқ этишни кўзда тутган транспорт тизимидан фарқли равишда “логистика” атамасининг қўшилиши вақт ва харажатларни минимал даражага олиб келишни таъминлайди. Логистика инфраструктураси – бу истеъмолчилар талабини тўлароқ қондириш мақсадида хом ашё, ярим фабрикатлар ва зарур ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлаб чиқарилган жойдан истеъмол жойига ташишнинг технологик ва самарали операцияларини режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш жараёни тушунилади [10].

Транспорт-логистика тизими деганда – истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчилар, шунингдек улар учун бошқарув тизимидан фойдаланувчилар,

транспорт воситалари, ахборот йўллари, иншоотлар ва бошқа мулкларнинг жамланмаси тушунилади [11]. Транспорт-логистика тизими – бу бирлашган транспорт ва логистика инфраструктуралари, транспорт корхоналари ва транспорт воситаларининг умумий бошқарув мажмуи тушунилади [12].

Транспорт-логистика тизимини самарали ривожлантириш – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад олишини транспорт билан таъминлаш жараёнида транспорт воситаларидан рационал фойдаланишга қаратилган функциялар ва ривожланиш воситаларидан унумли фойдаланишдир. Транспорт-логистика комплекси тузилмаси ўз ичига транспорт маркетинги, транспорт корхонаси молиясини бошқариш, транспорт жараёнларини ташкил этиш, транспорт корхонаси ходимларини бошқариш кабиларни олади.

Транспорт-логистика тизими намунавий кўринишга эга бўлиб, глобал тизимнинг исталган даражаси учун характерлидир. Транспорт-логистика тизимининг ҳар бир минтақаси учун у фақат миқдор ва сифат тавсифлари, бошқача айтганда уни ташкил этувчи элементларнинг ўлчамлилиги билан фарқланади. Умумлашган тарзда транспорт-логистика тизимининг ташкилий тузилмаси 1-расмда тасвирланган. Бунда ана шундай ишлар давлатнинг ҳуқуқий ва услубий ёрдамида бажарилса, ҳамда Ўзбекистоннинг барча минтақалари транспорт-логистика тизимидан манфаатдор иштирокчилари бирлаша олсалар, ҳар бир минтақада транспорт-логистика тизими ҳақиқатдан ҳам самарали ишлай бошлайди.



1-расм. Транспорт-логистика тизимининг ташкилий тузилмаси

Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Транспорт-логистика тизимининг ўзига хос хусусияти транспорт жараёни барча турдаги иштирокчиларининг ҳаракатланувчи таркибини мувофиқлаштиришдан иборат. Улгуржи савдо корхонасининг транспорт тизимида логистикани қўллаш корхонанинг ташқи ва ички муҳитининг муайян ўзгарувчан шароитларига мослашиб турадиган интеграциялашган технологияларни қўллаш билан ташиш бўйича ишларни назарда тутати.

Шундай қилиб, транспорт тизимида логистика хизматининг мақсади юқорида берилган мезонларга таянган ҳолда транспорт таъминотини ташкил этиш ва

Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методикаси

1-босқич	Вазифалар тизимининг мақсадларини аниқлаш:
2-босқич	Фаолият мақсадларининг таҳлилига асосланган тизимни қаноатлантириши лозим бўлган талабларни белгилаш:
3-босқич	Кичик тизимларга ажратиш ва уларни ягона тизимга келтириш:
4-босқич	Транспорт тизими даромад тузилмасида ва транспорт-логистика тизимдаги хизматларнинг (транспорт ва логистик) асосий турлари бўйича молиявий кўрсаткичларни аниқлаштириш.
5-босқич	Транспорт-логистика тизимини ташкил этиш бўйича харажатларни аниқлаштириш:
6-босқич	Транспорт-логистика тизимини бошқариш самарадорлигини баҳолаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш: $C_{ТЛТ} = \sum_{t=1}^n T + \sum_{l=1}^n L + \sum_{c=1}^n C$
7-босқич	Тавсия этилган методика асосида транспорт-логистика тизимининг самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш:
8-босқич	Мутаносиб тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан транспорт-логистика тизимини бошқариш самарадорлигини оширишнинг потенциал имкониятларини аниқлаш мақсадида аниқ маълумотлар ва кўрсаткичларнинг (бир қатор мамлакатлар тажрибаси ва прогнозлар асосида) энг юқори чегараларини (эҳтимолдаги энг юқори кўрсаткич) аниқлаш имкониятини беради.

Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Кенг кўламдаги хизматларни кўрсатадиган транспорт-логистика тизими учун даромадни аниқлаш ва алоҳида хизматлар мажмуасига кирувчи масалалар бўйича тўхтаб қолишларни бартараф этиш борасида қатор муаммолар мавжуд. Шу сабабдан, ушбу методикада транспортнинг ҳар бир тури учун алоҳида транспорт (Т) ва логистик (Л) хизматларни гуруҳларга ажратиш тавсия этилади (2-жадвал).

Баҳолаш услуби ва кўрсаткичлар тизимининг ўзаро боғлиқлиги

Транспорт тури	Хизмат турлари	Даромадлар	
Темир йўл транспорти	Юк ташиш	Темир йўл транспортининг юк ташишдан даромади (т/ю)	Т
	Йўловчилар, багаж, юкли багаж, почта ташиш	Темир йўл транспортининг йўловчи ташишдан даромади (т/й)	
	Логистик хизматлар	Темир йўл транспортининг логистик хизмат кўрсатишдан олинган даромади (т/л)	Л
Автомобил транспорти	Юк ташиш	Автомобил транспортининг юк ташишдан олинган даромади (Даю)	Т
	Йўловчи ташиш	Автомобил транспортининг йўловчи ташишдан олинган даромади (Дай)	

Транспорт тури	Хизмат турлари	Даромадлар	
	Йўл ёқаси бўйлаб хизматлар	Йўл ёқаси бўйлаб кўрсатилган хизматлар даромади (Дайх)	Л
	Логистик хизматлар	Автомобил транспортнинг логистика хизмати кўрсатишдан олинган даромади (Дал)	
Синергетик самара	Захира даражасини қисқартириш орқали омборхоналар қурилиши учун харажатларни иқтисод қилиш	Омборхоналар қурилиши учун харажатларни иқтисод қилишдан олинган қўшимча даромад (С1)	С
	Сақлаш ва захираларни рўйхатга олишни камайтириш орқали иқтисод қилиш	Захираларни рўйхатга олишни камайтириш орқали иқтисод қилишдан олинган қўшимча даромад (С2)	
	Юклаш ва тушириш амалиётлари ҳажмини қисқартириш ҳисобидан олинган самара	Юклаш ва тушириш амалиётлари ҳажмини қисқартиришдан олинган қўшимча даромад (С3)	
	Юкларни ташиш ва сақлашга кетадиган вақтни қисқартириш ҳисобидан олинган самара	Юклар йўқотилишини қисқартириш ҳисобидан олинган қўшимча даромад (С4)	
	Ҳаракатдаги таркибнинг суръатини ошириш ҳисобидан ташишнинг қўшимча ҳажмларига эга бўлиш натижасида олинган даромад	Ташишнинг қўшимча ҳажмларига эга бўлиш натижасида олинган қўшимча даромад (С5)	
	Моддий оқимни кузатиш ахбороти ҳисобидан ҳаракатдаги таркибнинг қўшимча тарзда туриб қолишини баратараф этишдан олинган самара	Туриб қолишларни баратараф этиш ҳисобидан олинган қўшимча даромад (С6)	

Манба: Олиб борилган тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Транспорт-логистика тизими иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методикаси транспорт тизими ($C_{ТТ}$) (1) ва транспорт-логистика тизими ($C_{ТЛТ}$) (3) фаолияти самарасининг ҳисоб-китобини тахмин қилади:

$$C_{ТТ} = \sum_{t=1}^n T \quad (1)$$

n – ҳисоблаш учун қабул қилинган хусусий кўрсаткичлар миқдори,

t – транспорт хизматлари,

T – транспортнинг барча турлари воситасида транспорт хизмати кўрсатилганидан олинган даромад.

$$C_{ТТ} = \sum_{t=1}^n T + \sum_{l=1}^n L + \sum_{c=1}^n C \quad (2)$$

n – ҳисоблаш учун қабул қилинган хусусий кўрсаткичлар миқдори,

t – транспорт хизматлари,

T – транспортнинг барча турлари воситасида транспорт хизмати кўрсатилганидан олинган даромад,

1 – таснифловчига мувофиқ, логистика хизмати,

L – логистика хизматлари кўрсатишдан топилган даромад,

C – синергетик самара,

C – транспорт-логистика тизими фаолиятининг самара кўрсаткичи.

$$C = \frac{C_{\text{ТЛТ}} - C_{\text{ТТ}}}{C_{\text{ТТ}}} * 100\% \quad (3)$$

C – транспорт-логистика тизими самарадорлиги,

$C_{\text{ТЛТ}}$ – транспорт-логистика тизими фаолияти самараси,

$C_{\text{ТТ}}$ – транспорт тизими фаолияти самараси.

Тавсия этилаётган баҳолаш методикаси хусусий мезонларнинг (логистика хизмати кўрсатишдаги барча турдаги транспорт ва қўшимча хизматлардан олинган даромадлар) таҳлили ва ҳисоб-китобининг умумлашма базасига асосланган бўлиб, бу транспорт-логистика тизимнинг аниқ таҳлилни қилиш имкониятини беради, жумладан транспорт-логистика тизим фаолиятининг рентабеллигини баҳолайди. Транспорт-логистика фаолиятида ташишни оператив режалаштириш, самарадорлиги ва ишончилигини сезиларли даражада ошириш ва қўшимча самара олиш имконини беради. Баҳолаш методикаси нафақат барча турдаги транспорт воситалари орқали анъанавий транспорт хизматлари кўрсатишни балки логистика хизматлари самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради. Шу билан биргаликда, бу методика транспорт-логистика тизими фаолиятининг синергетик самарасини ҳам баҳолайди.

Хулоса ва таклифлар

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодиётда юк ва бошқа моддий оқимлар захираларини самарали ташкил этиш транспорт-логистика тизими самарадорлигини ошириш ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ. Бу ерда албатта, мазкур тизим фаолиятини самарали ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Транспорт-логистика тизими самарадорлигини ошириш бўйича берилган услубиётлар ва ундан келиб чиқувчи хулоса ҳамда тавсиялар транспорт-логистика тизимини ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатдаги концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда тизимни модернизация қилиш, бизнес ҳамкорлари билан мувофиқлашув ва интеграциялашув жараёни бўйича ишларни самарали олиб бориш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва логистик хизматлар провайдерларининг рақобатбардошлигини ошириш, шу билан биргаликда транспорт-логистика тизими самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

Шунингдек, транспорт-логистика тизими самарадорлигини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирлар амалга ошириш лозим:

– тарифларни белгилаш принципларини ўзгартириш ва босқичма-босқич янги тариф тизимига ўтиш, тузатиш коэффицентлари сонини камайтириш, темир йўл орқали ташишни ҳар томондан маблағ билан таъминлаш турларини камайтириш;

– контейнерларда ташилган юкларнинг транспортга сарфланадиган тўловларини 10 фоизга камайтириш учун контейнерда ташишни 25-30 фоизга ошириш зарур;

– транспорт тизими самарадорлигини ошириш учун минтақаларда мультимодал транспорт-логистика марказлари тармоғини кенгайтириш;

– юк ташиш, интермодал ва мултимодал юк ташишларнинг норматив ҳамда ҳуқуқий базасини, техник ва технологик регламентини ҳамда стандартларини, логистика марказларини, транспорт-экспедиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мос ҳолда уйғунлаштириш;

– мультимодал ташишлар самарали бўлишини таъминлаш учун интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш;

– божхона логистика марказларининг миллий тармоғини шакллантириш, уларда транспорт-логистика операциялари камида 3PL даражада бўлишини таъминлаш лозим.

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида транспорт-логистика тизими самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлаш, транспорт-логистика хизмат кўрсатишнинг жадаллашуви ҳамда харажатларининг камайиши ва иқтисодиёт тармоқларини ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>
2. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сонли фармони. // www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.
5. Venables, A. J. (2007). Evaluating Urban Transport Improvements: Cost–Benefit Analysis in the Presence of Agglomeration and Income Taxation. *Journal of Transport Economics and Policy*, 41:173–188 p.
6. Коврижных И.В. Анализ и оценки эффективности управления в организации / И.В. Коврижных. – Барнул: АФ СИБАГС, 2016. – 86с.
7. Зоҳидов А.А. Марказий осие транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. ... дис. Автореф., Тошкент 2018.
8. Frederick Starr S., Filat Yildiz, Martina reiser etc. *The New Silk roads: Transport and trade in Greater Central Asia*. Monograph Central AsiaCaucasus institute & Silk Road Studies Programm, Washington, D.C.: Johns Hopkins University-SAIS, 2007. – 514 p.
9. Экономика транспорта: Учебное пособие / Терешина Н.П., Потапова Е.В., Терёшина Н.В., Епишкин И.А. – М.: РУТ (МИИТ), 2018. – 142 с.
10. Гольц Г.А. Транспорт и макроэкономика России за три века. Материалы X международной (тринадцатой Екатеринбургской) научно-практической конференции 14-15 июня 2004 года.
11. Fayzullayev J.S. The economic-mathematical model of the organization activity of the modern transport-logistics system. // Бюллетень науки и практики – *Bulletin of Science and Pracrice научный журнал (scientific journal)*. 2018. №5 (4). С. 345-352. DOI:10.5281/zenodo.1147072. Impact Factor (5) GIF – 0.454; (21) Info Base Index – 1.4; (17) OAJI – 0.350, (43) (UIF) – 0.1502; (4) JCR – 1.021. <http://oaji.net/articles/2017/3996-1526585902.pdf>
12. Рахимов Х.Ш. Мамлакат транспорт инфратузилмаси фаолиятини самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. фал. ... дис. Автореф., Тошкент 2021.